

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**117** Адлия органларида махсус «ишонч телефони» ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ–1474-сон қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини бажариш юзасидан ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни давом эттириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2011 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш учун телефон алоқасининг махсус линияси (кейинги ўринларда «ишонч телефони» деб аталади) ташкил этилсин.

Белгилансинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг: давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан назорат органлари ва лицензияловчи органлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур рухсат берувчи ҳужжатлар беришнинг белгиланган муддатлари ва тартибига риоя қилинмаслиги масалалари бўйича;

уларга кредит ва молия ресурслари беришнинг ноқонуний рад этилиши ёки бериш тартиб-қоидаларининг асоссиз чўзиб юборилиши юзасидан;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсири, шунингдек бошқа масалалар бўйича мурожаатларини олиш, умумлаштириш ва белгиланган тартибда кўриб чиқиш «ишонч телефони»ни ташкил этишнинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш учун адлия органлари телефон алоқасининг махсус линияси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги ваколатлар берилсин:

«ишонч телефони» орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектларидан тушаётган мурожаатларни умумлаштириш ҳамда белгиланган тартибда моҳиятан кўриб чиқиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан «ишонч телефони» орқали тушаётган мурожаатлар бўйича ташкилотлардан зарур маълумотлар ва материалларни талаб қилиш, шунингдек тегишли мурожаатлар бўйича мулоҳазаларни аниқлаш учун ташкилотларга сўровлар юбориш;

қонун ҳужжатлари талаблари бузилиши аниқланган ҳолларда ташкилотларга кўрсатилган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини, кўриб чиқиш натижалари бўйича асосли жавоб беришни талаб қилган ҳолда, тааллуқлилигига кўра ташкилотларга юбориш.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномалари бажарилмаганлиги ва зарур даражада бажарилмаганлиги учун ташкилотларнинг раҳбарлари шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, адлия органларининг тақдимномалари бажарилмаган ва зарур даражада бажарилмаган тақдирда ташкилотларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

5. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўп каналли «ишонч телефони»ни ташкил этиш учун алоҳида алоқа линияси ажратишда адлия органларига зарур ёрдам берсин ва унинг узлуксиз ишлашини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

тушган мурожаатларни, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижаларини, шу жумладан тегишли ташкилотларнинг жавобларини ҳар ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирсин;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тушган мурожаатлари, улар бўйича кўрилаётган чоралар, шунингдек тақдимномаларнинг тегишли ташкилотлар томонидан бажарилмаслигининг аниқ ҳолатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар ойда таҳлилий ахборот киритсин;

Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда «ишонч телефони»ни ташкил этилганлиги аҳоли эътиборига етказилишини ҳамда «ишонч телефони» орқали тушаётган мурожаатлар ва шикоятлар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни кенг ёритилишини таъминласин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 9-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 79-модда):

а) 21-кичик бандга «барча вазирликлар» сўзларидан олдин «тадбиркорларнинг «ишонч телефони» орқали тушаётган мурожаатларини кўриб чиқиш» сўзлари қўшилсин;

б) 23-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«23) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан назорат органлари ва лицензияловчи органлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини бузувчи қарорларини, шунингдек улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) тўхтатиб қўйиш».

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 19 март,  
80-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 19 мартдаги 80-сон қарорига  
ИЛОВА

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан  
уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини  
таъминлаш масалалари бўйича аризалар, таклифлар ва  
шикоятларни қабул қилиш учун адлия органлари телефон  
алоқасининг махсус линияси тўғрисида  
НИЗОМ**

**І. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг (кейинги ўринларда тадбиркорлик субъектлари деб аталади) адлия органлари телефон алоқасининг махсус линияси (кейинги ўринларда «ишонч телефони» деб аталади) орқали тушадиган уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича аризалари, таклифлари ва шикоятларини қабул қилиш, расмийлаштириш ва кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Қуйидагилар:

давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан назорат органлари ва лицензияловчи органлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур рухсат берувчи ҳужжатлар беришнинг белгиланган муддатлари ва тартибига риоя қилинмаслиги масалалари бўйича;

уларга кредит ва молия ресурслари беришнинг ноқонуний рад этилиши ёки бериш тартиб-қоидаларининг асоссиз чўзиб юборилиши юзасидан;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсири, шунингдек бошқа масалалар бўйича тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини олиш, умумлаштириш ва белгиланган тартибда кўриб чиқиш «ишонч телефони»ни ташкил этишнинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

3. «Ишонч телефони» орқали:

аризалар — тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари амалга оширилишида ёрдам кўрсатиш сўралган мурожаатлари;

таклифлар — тадбиркорлик субъектларининг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялари юзасидан мурожаатлари;

шикоятлар — тадбиркорлик субъектларининг бузилган қонуний ҳуқуқлар, эркинликлар ва манфаатлар тикланиши талаб қилинган мурожаатлари қабул қилинади.

4. Кўп каналли «ишонч телефони» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг марказий аппаратида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида (кейинги ўринларда адлия органлари деб аталади) ўрнатилади.

5. «Ишонч телефони» орқали тушаётган мурожаатлар душанба кунидан жума кунигача (жума куни ҳам) (байрам кунларидан ташқари) соат 09.00 дан 13.00 гача ва 14.00 дан 18.00 гача адлия органларининг масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.

6. Мурожаатларни кўриб чиқишда адлия органларининг масъул ходимлари томонидан тадбиркорлик субъекти тўғрисида олинган маълумотларнинг унинг тегишли розилигисиз, шунингдек давлат сири бўлган маълумотларни, тижорат сирини ва қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирни ҳамда агар бу тадбиркорлик субъектининг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини камситишга олиб келса, бошқа маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Қўнғироқ қилувчи шахс тўғрисида мурожаат қилиш мавзусига тегишли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди.

7. Таклифлар адлия органлари томонидан улар тушган кундан бошлаб бир ойгача муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганиш талаб қилинадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кун муддатда маълум қилинади.

8. Аризалар ва шикоятлар адлия органлари томонидан тушган кундан бошлаб бир ойгача муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб қилмайдиган аризалар ва шикоятлар эса — беш кундан кечикмай кўриб чиқилади.

Аризалар ёки шикоятларни кўриб чиқиш учун қўшимча текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни талаб қилиш ёхуд бошқа чораларни кўриш зарур бўлган ҳолларда аризалар ёки шикоятларни кўриб чиқиш муддатлари адлия органи раҳбари томонидан истисно тариқасида, бироқ бу ҳақда ариза берган ёки шикоят қилган шахсга хабар қилинган ҳолда бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

## **II. «Ишонч телефони» орқали тушадиган мурожаатларни қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби**

9. «Ишонч телефони» орқали мурожаатлар бутун Ўзбекистон ҳудудида 008 телефон рақамига қўнғироқ қилиш йўли билан амалга оширилади. Қўнғироқ бепулдир. Адлия органлари томонидан қўшимча телефон рақамлари жорий этилиши мумкин.

10. «Ишонч телефони» орқали тушаётган мурожаатларни қабул қилиш учун адлия органларида махсус хоналар ташкил этилади ва мурожаатларни қабул қилиш учун масъул бўлган ходимлар белгиланади.

11. «Ишонч телефони» орқали телефон қўнғироқларига жавоб беришда адлия органининг қўнғироқни қабул қилувчи масъул ходими:

фамилиясини, исмини, отасининг исмини, эгаллаб турган лавозимини айтишга;

қўнғироқ қилган шахсга «ишонч телефони» фақат тадбиркорлик субъектидан аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш учун ишлашини тушунтириши, шунингдек қасддан ёлғон маълумот тақдим этилиши қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлишини маълум қилиши;

қўнғироқ қилган шахсга ушбу Низомнинг 14-бандида кўрсатилган ахборот ва маълумотларни маълум қилишни таклиф этиши шарт.

12. «Ишонч телефони» орқали тушаётган мурожаатларни тўплаш ва умумлаштириш учун телефондаги сўзлашувларни ёзиш функцияси билан жиҳозланган телефон аппаратларидан фойдаланилади.

13. Тадбиркорлик субъектларининг барча мурожаатлари электрон манбага ёзилади ва икки йил мобайнида сақланади.

14. «Ишонч телефони» орқали мурожаат қилишда тадбиркорлик субъектлари фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотларни, ўзлари ифодалайдиган тадбиркорлик субъектининг номини, СТИР-ни, жавоб юборилиши керак бўлган почта манзилени, қайта боғланиш учун телефон рақамини маълум қилиши, шунингдек мурожаатнинг моҳияти ва мазмунини баён қилиши шарт.

15. «Ишонч телефони» орқали тушган мурожаатлар адлия органининг масъул ходимлари томонидан умумлаштирилади ва ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича расмийлаштириладиган адлия органининг «ишонч телефони» орқали тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини рўйхатга олиш дафтарида рўйхатдан ўтказилади ҳамда кўриб чиқиш учун тегишли адлия органи раҳбариятига киритилади.

16. Ушбу Низомнинг 14-бандида кўрсатилган ахборот ва маълумотлар

тақдим этилмаган мурожаатлар рўйхатдан ўтказилмайди ва кўриб чиқилмайди.

17. Қабул қилинган мурожаат бўйича ўша куннинг ўзида адлия органининг масъул ходими томонидан ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича «назорат карточкаси» тўлдирилади. Назорат карточкаси мурожаатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг масъул ходимлари томонидан қабул қилинганда вазирликнинг Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармасига, мурожаат Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг масъул ходимлари томонидан қабул қилинганда эса — ташкилий назорат ва таҳлил бўлимларига юборилади.

Назорат карточкаси ушбу Низомнинг 16-бандида назарда тутилган ҳолларда тўлдирилмайди.

### **III. «Ишонч телефони» орқали тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби**

18. «Ишонч телефони» орқали тушган мурожаатлар масъул ходими мурожаатни қабул қилган адлия органи томонидан кўриб чиқилади, мурожаатларнинг ҳудудий тегишлилиги бундан мустасно (ҳудудий адлия органи учун).

Зарур ҳолларда мурожаатда кўрсатилган ҳолат тадбиркорлик субъектини жалб этган ҳолда жойнинг ўзига чиқиб ўрганилиши мумкин.

19. Адлия органилари томонидан қонун ҳужжатлари талаблари бузилиши аниқланган ҳолларда тегишли ташкилотларга аниқланган қонун бузилишларини, уларнинг сабабларини ва қонун бузилишига олиб келаётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида уларда кўрсатилган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар юборилади.

20. Агар мурожаатда тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуққа зид қилмиш тўғрисидаги, шунингдек уни тайёрлаётган, содир этаётган ёки содир этган шахс ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлса, мурожаатлар дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилиш органиларига уларнинг ваколатларига мувофиқ юборилиши керак.

21. «Ишонч телефони» орқали тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қабул қилган адлия органилари мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қарорнинг бажарилишини назорат қилишлари, шунингдек, агар зарар тадбиркорлик субъектига унинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини бузиш натижасида етказилган бўлса, зарарни қонунда белгиланган тартибда ундириш юзасидан чоралар кўриши шарт.

22. Адлия органиларининг мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси зиммасига юкланган масъул ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан мурожаатлар тушган тақдирда ушбу мурожаатларни мазкур шахсларнинг бевосита кўриб чиқиши тақиқланади.

23. Кўриб чиқилиши адлия органиларининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича «ишонч телефони» орқали мурожаатлар тушган тақдирда,

адлия органларининг масъул ходимлари томонидан белгиланган тартибда тушунтириш берилади ва тегишли ташкилотларга мурожаат қилиш тавсия қилинади.

24. Мурожаатни кўриб чиққан адлия органи тадбиркорлик субъектига кўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган қарорнинг мазмун-моҳияти тўғрисида ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Жавоб тадбиркорлик субъектига юборилгандан кейин мурожаат ушбу мурожаатни назоратга олган шахснинг имзоси билан назоратдан чиқарилади, бу ҳақда «ишонч телефони» орқали тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини рўйхатдан ўтказиш дафтарига тегишли ёзув қайд этилади.

Тадбиркорлик субъектига берилган ёзма жавобнинг нусхаси адлия органларида сақланади.

25. Адлия органларининг тақдимномалари бажарилмаган ва зарур даражада бажарилмаган тақдирда ташкилотларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

26. Адлия органлари тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари бузилишига олиб келаётган сабабларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида умумлаштирилган аризалар, таклифлар ва шикоятларни белгиланган тартибда таҳлил қилади ҳамда ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисобот тайёрлайди.

27. «Ишонч телефони» орқали тушган аризалар, таклифлар ва шикоятларни, шунингдек улар бўйича тегишли ташкилотларнинг қарорларини Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштириш қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик субъекти тўғрисида олинган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилган ҳолда ҳар ҳафталик асосда адлия органлари томонидан таъминланади.

#### **IV. Яқунловчи қоидалар**

28. Тадбиркорлик субъектлари ўзларининг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш асоссиз рад этилиши устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи адлия органига ёхуд бевосита судга шикоят қилишга ҳақлидирлар.

29. «Ишонч телефони» орқали олинган ахборот билан ишловчи шахслар олинган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиниши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсан жавоб берадилар.

30. Ушбу Низом бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш учун адлия органлари телефон алоқасининг махсус линияси тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Адлия органларининг «ишонч телефони»  
орқали тадбиркорлик субъектларининг  
мурожаатларини рўйхатга олиш  
ДАФТАРИ**

**20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да бошланган**

**20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тугаган**

Т/р	Мурожаат қабул қилинган сана	Мурожаат қилувчининг Ф.И.О. ва манзили	Мурожаатнинг қисқача мазмуни	Мурожаатни қабул қилган масъул шахснинг Ф.И.О. ва лавозими	Кўрилган чоралар	Мурожаатни кўриб чиқиш натижалари	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7	8

**Адлия органларининг «ишонч телефони» орқали тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини рўйхатга олиш дафтарини юри-тиш тартиби**

1. Адлия органларининг «ишонч телефони» орқали тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини рўйхатга олиш дафтари ип ўтказиб тикилган, рақамланган, муҳрланган ва имзоланган бўлиши керак.

2. Дафтарнинг тегишли бўлимларини тўлдиришда қисқартириб ёзишга йўл қўйилмайди.

3. Дафтарнинг иккинчи устунига мурожаат қабул қилинган сана тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

4. Дафтарнинг учинчи устунига мурожаат қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва манзили тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Мурожаат қилувчининг почта манзилени кўрсатишдан ташқари, мурожаат қилувчининг боғланиш телефони мавжуд бўлганда унинг телефон рақами ҳам учинчи устунда кўрсатилади.

5. Дафтарнинг тўртинчи устунда мурожаатнинг қисқача мазмуни, тегишли қонун бузилишлар санаси ва бошқа зарур маълумотлар акс эттирилади.

6. Дафтарнинг бешинчи устунда мурожаатни қабул қилган масъул шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилади.

7. Дафтарнинг олтинчи устунда қабул қилинган мурожаат бажариш учун кимга ва қачон юборилганлиги кўрсатилади.



8. Дафтарнинг еттинчи устунда мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар, яъни мурожаатни кўриб чиқиш доирасида кўрилган чоралар, аниқланган камчиликлар ва ҳуқуқбузарликлар, шунингдек мурожаат қилувчига мурожаатнинг кўриб чиқилиши тўғрисида маълумотлар жўнатилганлиги ҳақидаги ахборотлар акс эттирилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш учун адлия органлари телефон алоқасининг махсус линияси тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Вазирнинг биринчи ўринбосари**  
(ёки ўринбосари)

(ҳудудий адлия органи раҳбари)

### НАЗОРАТ КАРТОЧКАСИ

«Ишонч телефони» орқали тушган мурожаатларнинг назорат карточкаси		
Бажарувчи:	Мурожаатни қабул қилган шахснинг Ф.И.О.	Мурожаат келиб тушган сана
Сана 20__ й. _____ № _____	Аризачининг Ф.И.О.	Иш жойи
_____ муддати	Аризачининг тўлиқ манзили ва телефони	
Бошқарма (бўлим) бошлиғи _____		
Қисқача мазмуни		
Қаерга юборилди	Мурожаатни қабул қилган шахснинг имзоси	
Бажарилиши тўғрисидаги ахборот	Назоратдан чиқариш санаси 20__ йил «__» _____	
	Бошқарма (бўлим) бошлиғи _____	

